

## ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИНИНГ ИЖРОСИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

*Кулибоев Азамат Шоназарович*

*Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети (ТДИУ)*

*E-mail: [azamatkuliboyev@gmail.com](mailto:azamatkuliboyev@gmail.com), ORCID: 0000-0002-3357-070X*

*Аннотация.* Ушбу илмий тадқиқот ишида давлат тиббиёт ташкилотларида харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисоботни таҳлил қилиш тартиби баён қилинган. Харажатлар сметаси ижроси ҳақида ҳисоботни харажат гуруҳларининг харажат моддалари бўйича таҳлил қилиш кўрсатилган.

*Калит сўзлар:* бюджет маблағлари, бюджет таснифи, бюджет ҳисоби, бюджет ҳисоботи, давлат бюджети, давлат тиббиёт ташкилоти, касса харажат, молия йили, ҳақиқий харажат, харажатлар сметаси, ҳисобот, ҳисобот даври.


Давлат тиббиёт ташкилотларида харажатлар сметасининг ижросини таҳлил қилишдан олдин харажатлар сметаси, унинг таркиби ва тузилиши ўрганилади.

Маълумки, давлат тиббиёт ташкилотлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қиладиган касса харажатлари бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида ва уларнинг харажатлар сметаларида кўрсатилган мақсадларда амалга оширилади.

Харажатлар сметаси давлат тиббиёт ташкилотлари томонидан ҳам молия йили учун тузиладиган ва тасдиқланадиган, унинг учун назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағлар харажатлар моддалари бўйича акс эттириладиган ҳужжат ҳисобланади [10].

Давлат тиббиёт ташкилотларининг тасдиқланган харажатлар сметалари бир молия йили муддатига, уларнинг мазкур молия йилидаги фаолият кўрсатиш даврига тузилади ва амал қилади.

Харажатлар сметаси бюджет таснифи моддалари бўйича гуруҳланади ва қуйидагича харажатлар гуруҳларига бўлинади (1 – расм).



**1-расм. Харажатлар сметасининг харажат гуруҳлари<sup>1</sup>**

Харажатлар сметасини таҳлил қилиш жараёнида ҳар бир гуруҳининг умумий суммадаги улуши аниқланади ва ўтган йиллардаги тиббиёт ташкилотларининг харажатлар сметаси маълумотлари билан таққослаш амалга оширилади [6].

Давлат тиббиёт ташкилотлари харажатлар сметаси ижросини таҳлил қилиш жараёнида ҳақиқий харажатларнинг сметада ва алоҳида харажат моддалари бўйича режа қилинганидан четга чиқишлари аниқланади.

Давлат тиббиёт ташкилотларининг харажатлар сметаси ижросини таҳлил қилишда юқоридаги 1–расмда кўрсатилган харажатлар сметасининг харажат гуруҳлари харажат моддалари бўйича таҳлил қилинади (2-расм).

Давлат тиббиёт ташкилотларида I-гуруҳ «Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар» харажатларига давлат бюджетидан энг катта маблағ 41 11 000 «Пул шаклидаги иш ҳақи» ва 47 11 100 «Нафақалар» ажратилади. Шунинг учун бу харажат элементлари ҳар йили таҳлил қилиб борилади. Шунингдек, I-гуруҳ «Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар» харажатларига нисбатан II-гуруҳ «Иш ҳақиға қўшимчалар» харажатларига

<sup>1</sup>Муаллиф томонидан тузилган  
[www.pedagoglar.org](http://www.pedagoglar.org)


кирувчи 41 21 100 «Ижтимоий солиқ» ва 41 21 200 «Ижтимоий эҳтиёжларга бошқа ажратмалар/бадаллар» элементлари ҳам таҳлил қилинади [7]. Чунки, Соғлиқни сақлаш соҳаси харажатлари таркибида, шу жумладан, давлат тиббиёт ташкилотларининг харажатлар сметасида ҳам юқори улушни иш ҳақи харажатлари ва иш ҳақиға нисбатан ажратмалар ташкил этади.

Давлат тиббиёт ташкилотлари харажатлар сметасида III-гуруҳ «Капитал қўйилмалар» харажатлари учун давлат бюджетидан маблағ Ҳукумат қарорлари ва юқори турувчи органларнинг ҳужжатлари асосида мақсадли равишда ажратилади [9]. Бу ҳолат ҳозир амалиётда кам учрайди. Чунки, илмий тадқиқот жараёнида биз тиббиёт ташкилотларининг ўтган молия йилларида амалга оширилган харажатларни ўрганганимизда харажатлар сметасининг III-гуруҳ «Капитал қўйилмалар» харажатларига бюджетдан маблағ ажратилмаганлик ҳолатларини кўрдик.

IV-гуруҳ «Бошқа харажатлар» харажатларини таҳлил қилишда ҳар бир харажат элементларига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Сабаби бу гуруҳ харажатлари суммасини харажатлар сметасида акс эттиришдан олдин ҳарбир харажат моддалари бўйича белгиланган меъёрларга амал қилинган ҳолда ҳисоб – китоб ишлари амалга оширилади.

Давлат тиббиёт ташкилотларининг харажатлар сметасининг ижросини таҳлил қилиш натижасида ҳисобот даври бошида режалаштирилган кўрсаткичларнинг ҳисобот даври охиридаги бажарилиши солиштирилади [8]. Бу эса молия йилида бюджет маблағларидан фойдаланиш ва ҳисобини юритишда йўл қўйилган камчиликлар ва хатоларни аниқлаш имконини беради.

Таҳлил қилиш жараёнида давлат тиббиёт ташкилотларининг молия йилидаги касса ва ҳақиқий харажатлар харажатлари ҳам таққосланади. Бу таққослаш, биринчидан бюджетдан ажратилган маблағларнинг кам ёки ортикча сарфланганлигини аниқлашга, иккинчидан, харажатлар сметаси ижроси устидан самарали назоратни таъминлашга қаратилиши керак.



2 – расм. Харажат гуруҳлари бўйича харажат моддалари<sup>2</sup>

<sup>2</sup>Муаллиф томонидан тузилган  
[www.pedagoglar.org](http://www.pedagoglar.org)

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-360-сон Қонуни.
2. Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномада (2010 йил 11 октябрь, 2146 – сон).
3. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқномага (2010 йил 22 декабрь, 2169 – сон).
4. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси қоидалари (2016 йил 22 декабрь, 2850 – сон).
5. Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти «Бюджет ҳисоботи» (3 – сон БҲС, 2019 йил 18 январь, 3124 – сон).
6. Mehmonov S.U., Kuliboyev A.Sh. Account of extra-budgetary funds of budget organizations. Study guide. - Т.: "Economy - Finance", 2018. - 192 p.
7. Кулибоев, А. (2022). Давлат тиббиёт муассасаларида бошқарув ҳисобини ташкил этиш босқичлари. *MOLIYA VA BANK ISHI*, 8(1), 84–89. Retrieved from <https://journal.bfa.uz/index.php/bfaj/article/view/80>
8. Кулибоев Азамат Шоназарович. (2023). Бюджет назоратининг назарий – услубий асослари. *World Scientific Research Journal*, 16(1), 31–37. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2696>
9. Kuliboyev A.Sh. “Byudjet g’azna ijrosi hisobi” fanidan O’quv-uslubiy majmua. –Т.:ТМІ, 2019. bet.
10. Кулибоев, А. (2023). Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг услубий асослари. Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари / Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук / Actual Problems of Humanities and Social Sciences., 3(8). <https://doi.org/10.47390/SCP1342V3I8Y2023N23>